

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Судьялар олий кенгаши

раиси _____Х.Б.

Ёдгоров

2022 йил " ____ " _____

СУДЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЎҚУВ КУРСИНИНГ

ЎҚУВ ДАСТУРИ

Тузувчилар:

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг ўринбосари	А.А. Жалилов
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьяси	М.П. Каландарова

Кириш

Мазкур ўқув курси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2017 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши тўғрисида”ги, 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги, 2021 йил 20 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони, 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони, 2020 йил 7 декабрдаги Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-6127-сон Фармони, 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-4761-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси” асосида судьялар ва суд органлари ходимларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

I. Ўқув курсининг мақсади

Ўқув курсининг мақсади мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, инсон ва унинг шаънини фақат қонунга риоя этган ҳолда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича судьяларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган.

II. Ўқув курсининг вазифалари

- мустақиллик йилларида суд тизимида коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилган ислохотлар тарихини ўрганиш;
- судьялик лавозимларига номзодларнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларига оид билимларини ошириш;

- коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ҳуқуқий асослари мазмун-моҳиятини чуқур сингдириш;
- судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш соҳасидаги ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ўргатишга қаратилган.

III. Таълимни ташкил этиш услублари

Ўқув машғулоти интерактив услубда, яқка ва гуруҳда ишлаш шаклида ўтказилиб, судьяларни ўқув материални танқидий ва муаммоли тафаккур этишга чорлаш орқали амалга оширилади.

Маъруза ва амалий машғулотлар соҳа мутахассислари иштирокида интерактив услубларидан (мунозара, муҳокама, коллоквиум, дебатлар ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда олиб борилади. Таълим жараёни маъруза, амалий машғулоти шаклида ташкил этилади.

IV. Ўқув курси бўйича билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар

1. *Ўқув курсини ўзлаштириш орқали судья қўйидаги билимларга эга бўлиши лозим:*

коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан хабардор бўлиш;

коррупциянинг тушунчаси, моҳияти, унинг келиб чиқиш сабабларини, коррупцияга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик асосларини билиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш; касб одобномаси талабларини чуқур англаш ва унга оғишмай риоя қилиш;

давлат хизматчиларининг, шу жумладан судьялар касб этикасига оид асосий тушунчалар - деонтология, манфаатлар тўқнашуви, давлат хизматчиларининг бурч ва мажбуриятлари, давлат хизматчиларига нисбатан ўрнатилган тақиқ ва чекловлар, касбий фаолиятидаги асосий принциплар ва бошқалар тўғрисида тушунчаларига эга бўлиш;

давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг кўриниши бўлмиш - қариндошлик, куда-андачилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик (непотизм), ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш (фаворитизм), таниш-билишчилик, гуруҳбозлик (кронизм), маҳаллийчилик (трайбализм), раҳнамочилик (протекционизм), шахсий манфаатдорлик асосида ҳимоялаш (патронаж), идоравий манфаатдорлик (лоббизм), нормасмий хайрихоҳлик муносабатлар (клиентелизм), назорат остидаги ташкилотларга ишга ўтиш, ёки оммавий сектордан хусусий секторга ўтиш (пантуфляж) каби салбий ҳолатларни олдини олиш;

ахолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

коррупциявий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар (пора олиш, бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчининг моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, давлат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, нодавлат нотижорат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш) учун жавобгарлик тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш;

давлат хизматчисига номуносиб ҳаракатлар, давлат хизматчиси номига доғ туширувчи ножўя хатти-ҳаракатлар, интизомга хилоф ножўя ҳаракат, умумий интизомий жавобгарлик ва махсус интизомий жавобгарлик, хизмат ёки ижро интизومي бузилиши, интизомий жазо чоралари тўғрисидаги маълумотга эга бўлиш;

2. Ўқув курсини ўзлаштириш орқали судья қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:

касбий фаолиятни ҳалол ва виждонан бажариш;

давлат органлари ходимларининг хизмат бурчига содиқ бўлиши;

хизмат вазифаларини масъулият, ташаббускорлик ва холислик билан бажариш;

ҳар қандай қонун бузилишларга, айниқса, коррупция ҳолатларига муросасизлик туйғусини шакллантириш;

қонун билан қўриқланадиган ва хизматга оид маълумотларнинг сир сақланишини таъминлаш;

давлат органларида қонун ҳужжатларида белгиланган хизмат билан боғлиқ тақик ва чеклашларга амал қилиши;

умумэтироф этилган касбий одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилиши.

3. Ўқув курсини ўзлаштириш орқали судья қуйидаги амалий ўқувларга эга бўлиши лозим:

давлат хизматида коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олиш, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларни бартараф этиш, тегишли чоралар қўлланишини таъминлай билиш;

давлат хизматида номуносиб ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик усул ва воситалардан фойдалана билиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш тизимини такомиллаштира олиш;

бўйсинувидаги давлат хизматчиларда касбий бурч ва мажбуриятлари шакллантира билиш;

давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш борасида давлат идоралари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, фуқаролар билан самарали мулоқот ўрната билиш;

хизмат ўташ даврида манфаатлар тўқнашувини ва коррупциянинг турли кўринишларини бартараф қилиш усул ва воситаларини қўллай билиш; давлат хизматчисига тегили чеклов ва таъқиқлар риоя қилиш;

давлат хизматчиларида юксак ахлоқий маданиятни шакллантира олиш;

давлат органи ходимларида масъулият хиссини шакллантириш;

жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантира ола билиш ва бошқалар.

VI. Ўқув курсини ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Судлар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш ўқув курсини ўзлаштириш учун ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланиш, яъни тарқатма материаллар, презентациялар шунингдек, янги педагогик технологиялар (кейс-стади, илмий презентациялар)ни татбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

VII. Ўқув курсининг мавзулар бўйича тақсимланиши

№	Мавзуларнинг номи	Ажратилган соат	Аудитория машғулоти (соат)	
			Маъруза	Амалий машғулот
1	Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари	4	2	2
2	Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асослари	4	2	2
3	Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид ислохотлар	4	2	2
4	Судьялар касб одоби ва судьялик фаолиятида коррупцияни олдини олиш мезонлари	4	2	2
5	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий	4	2	2

	жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ноҳўя хатти-харакатлари учун жавобгарлик			
	ЖАМИ	20	10	10

VIII. АСОСИЙ ҚИСМ

1-Мавзу: Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Коррупцияга қарши кураш борасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг мазмуни ва моҳияти.

2-Мавзу Коррупцияга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий Асослари

Коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши. Коррупция даражасини белгиловчи халқаро рейтинглар ва уларни юритиш услубиёти. БМТнинг Коррупцияга қарши конвенция мазмуни ва моҳияти. Коррупцияга қарши курашишнинг минтақавий халқаро ҳуқуқий асослари. Одил судлов тизимида коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талаблари.

3-Мавзу Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид ислоҳотлар

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараенида коррупцияга қарши курашиш механизми. Суд тизимида коррупцияга қарши курашишга оид халқаро ва хорижий тажрибани татбиқ этиш масалалари. Ўзбекистон одил судлов тизимида коррупцияга қарши курашиш механизми ва судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси.

4-Мавзу Судьялар касб одоби ва коррупцияга қарши курашиш мезонлари

Касбий одоб-ахлоққа оид асосий тушунчалар, категориялар, мезонлар ҳамда принциплар. Судьялар ва суд органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари талаблари. Суд ходимларига нисбатан ўрнатиладиган чеклов ва тақиқлар. Касбий фаолиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик масалалари.

5-Мавзу Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноят, ҳуқуқбузарлик ва ноҳўя хатти-харакатлари учун жавобгарлик

Коррупциявий жиноятлар содир этилишини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлар учун жавобгарлиги. Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлиги. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мансабдор шахсларнинг коррупциявий ноҳўя хатти-харакатлари учун жавобгарлиги

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Раҳбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”//Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси/15 Январь 2017

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.”Ўзбекистон”2021.-356

3. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2014 йил 14 май, //(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда)

4. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2016 йил 3 январь // «Халқ сўзи» газетаси

5. 2017 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши тўғрисида”ги, //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

6. 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

7. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни 29.08.2019й. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 03/19/559/3670-сон

8. “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10.05.2019й. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.05.2019 й., 03/19/537/3113-сон

9. “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида ”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 14.01.2019й. //Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.01.2019 й., 03/19/515/2472-сон

10. “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2021 йил 20 сентябрдаги Қонуни

11. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2017 йил 2 февраль, ПҚ-2752-сон// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон, 62-модда

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019й. 27 май-даги Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2019 й. 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5843-сон Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июнь-даги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги № ПҚ-4761-сон Қарори.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й. 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5843-сон Фармони

2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни,

3. 2017 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий кенгаши тўғрисида”ги қонуни,

4. 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги қонуни,

5. 2021 йил 20 сентябрдаги билан “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлари,

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.12.2020 йилдаги Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида № ПФ-6127 Фармони,

7. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги СОКҚ-490-III-сон Қарори билан тасдиқланган “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”

III. Мавзу юзасидан тавсия этилган адабиётлар

1. “Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир” //Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 08.12.2018й.//УзА сайти

2. Бегматов А.С. Коррупция – ижтимоий хавсизликка таҳдид (Матн) / А.С.Бегматов. Тошкент: Турон Замин Зиё, 2016.-64б.
3. Сборник международных актов по судебной этике - Т.: ЦПКЮ, 2016. - 248 б.
4. Глоссарий международных стандартов в области уголовного права//ОЭСР.2007. - С.67
5. Многоликая коррупция: Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления / Под ред. Э. Кампоса и С. Прадхана; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблишерз, 2010. — 551 с.
6. Инструментарий обеспечения неподкупности, разработанный в рамках инициативы CleanGovBiz.ОЭСР, 2014
7. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции ООН против коррупции. Второе исправленное и дополненное издание, Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. Вена 2012 год
8. Руководство ОЭСР по разрешению конфликтов интересов на государственной службе //ОЕСD, June 2003
9. Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в Республике Узбекистан и зарубежных странах. Методическое пособие. -Т.: Центр повышения квалификации юристов. 2017.-85с.
10. Исмаилов Б.И., Современные стратегии антикоррупционных реформ//Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ. 2019. – 113 с.
11. Исмаилов Б.И. Юристинг касбий этикаси. -Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси. 2019.-82 б.
12. Очилов Ф. Коррупцияга карши курашиш тўғрисидаги айрим хорижий давлатлар ва миллий қонун ҳужжатларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси. 2017. №2 Б.10-13
13. Пулатов Ю.С., Алимов Г.А. Квалификация и предупреждение коррупционных преступлений: Монография.-Т.: ЦПКЮ.2016.-148с.
14. Юрист касб этикаси – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2013.-89б.
15. Конфликт интересов на государственной и муниципальной службе, в деятельности организаций: причины, предотвращение, урегулирование: научно-практическое пособие / Т.С. Глазырин, Т.Л. Козлов, Н.М. Колосова [и др.]; отв. ред. А.Ф. Ноздрачев. — М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации: ИНФРА-М, 2016. — 224 с.
16. Предупреждение конфликта интересов на государственной службе средствами прокурорского надзора: пособие / А.Д. Ильяков, Е.В. Семенова, Е.А. Орлова; Ген. прокуратура Рос. Федерации; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2016. – 68 с.
17. Профессиональная этика юриста (Учеб. пособие для препод. юридических вузов) / Под ред. О. М. Коркмазова. – Б.: АВА/СЕЕЛІ, 2006 – 90 с.

18. Резолюции и решения, принятые Конференцией государств – участников Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции//ООН-27с.
19. Сборник международных актов по судебной этике - Т.: ЦПКЮ, 2016. - 248 б.
20. Глоссарий международных стандартов в области уголовного права//ОЭСР.2007. - С.67
21. Многоликая коррупция: Выявление уязвимых мест на уровне секторов экономики и государственного управления / Под ред. Э. Кампоса и С. Прадхана; Пер. с англ. — М.: Альпина Паблишерз, 2010. — 551 с.
22. Джеймс Х. Андерсон Шерил В. Грэй Борьба с коррупцией в переходный период 3: Кто добивается успехов и почему? //
23. 2006 The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. С.34
24. Основные концепции антикоррупционной деятельности//Учебное пособие. Отдел сотрудничества по экономической преступности. Департамент борьбы с преступностью. Генеральный директорат по правам человека и верховенству права Совета Европы 2-е издание ноябрь 2014 года. С.56
25. Professionalism and integrity in the public service //The Centre for Integrity in the Defence Sector (CIDS) was established by the Norwegian Ministry of Defence in 2012.
26. Инструментарий обеспечения неподкупности, разработанный в рамках инициативы CleanGovBiz.ОЭСР, 2014
27. Руководство ФАТФ публичные должностные лица (Рекомендации 12 и 22) июнь 2013
28. Руководство для законодательных органов по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции. Второе исправленное и дополненное издание, Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. Вена 2012 год
29. Разработка и реализация политики противодействия коррупции //Практическое пособие. Департамент борьбы с преступностью Совета Европы 2-е издание ноябрь 2013 года. С.156
30. Руководство ОЭСР по разрешению конфликтов интересов на государственной службе //oecd, june 2003.
31. Судьялар, адвокатлар ва прокурорларнинг мустақиллиги ва жавобгарлигига доир халқаро тамойиллар. - амалий қўлланма (иккинчи нашр). Халқаро юристлар комиссияси, 2007.
32. Техническое руководство по осуществлению Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции //Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности. Вена 2010 год
33. Борьба против коррупции в Восточной Европе и Центральной Азии Декларации активов для государственных служащих - инструмент для предотвращения коррупции OECD (2011), Рекомендуемые виды практики в области защиты свидетелей при производстве по уголовным делам,

касающимся организованной преступности Управление Организации Объединенных Наций по наркотикам и преступности Вена 2018 год

34. Организация по безопасности и сотрудничеству в Европе//Руководство по борьбе с коррупцией, ОБСЕ 2016-274с.

35. ОЭСР//Декларации активов для государственных служащих:Инструмент для предотвращения коррупции, 2011 – 79р.

36. ОЭСР//Инструментарий обеспечения неподкупности, 2014. – 369с.

37. ОЭСР//Коррупция: глоссарий международных стандартов в области уголовного права, 2007-127с.

38. ОЭСР//Международное сотрудничество по коррупционным делам, 2017. -152с.

39. ОЭСР//Оптимальные подходы государств-членов ОЭСР к обеспечению прозрачности государственного бюджета, 2000-12с.

40. ОЭСР//Специализированные институты по борьбе с коррупцией: Обзор моделей, 2006-140с.